

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ
МЕТОДИКАСИ

Б.Б. Раджабов

Ўқув қўлланма



ТОШКЕНТ – 2023

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти бошлиғи,
техника фанлари номзоди, доцент, **О.Т.Ахмедов**

Илмий муҳаррир:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий
фанлар кафедраси бошлиғи с.ф.д., доцент **Ф.Ф.Хатамов**

Муаллиф: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш
институти Махсус-касбий фанлар кафедраси ўқитувчиси,
Б.Б.Раджабов

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ташкилий департаменти Юридик таъминлаш бошқармаси,
бўлим бошлиғи, ю.ф.н. **А.И.Ғайбуллаев**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш
институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н.,
доцент, **М.И.Суванкулов**


Р 15 Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга
ошириш методикаси. Ўқув қўлланма. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти, 2023. 80 б.

Қўлланмада ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш усуллари ва тартиби, режалаштириш ва ташкил қилиниши ҳамда давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалаларига, шунингдек жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятига доир назарий-ҳуқуқий асослар алоҳида таҳлил қилинган бўлиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалий фаолиятида манба сифатида хизмат қилади.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг тингловчиларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашувчи барча ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларига мўлжалланган.

УЎК 340.11 (575,1) (075,9)

КБК 67.16



**Давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса,
унинг кучини амалда намоён этадиган энг
самарали тизим бу – ички ишлар органлари
тизимидир.**

Ш.М.Мирзиёев

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	5
I БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	8
1.1. Ҳуқуқий тарғибот тушунчаси ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари.....	8
1.2. Ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.....	13
II БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	25
2.1. Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий ахборотнинг ўрни.....	25
2.2. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг мақсади, вазифалари ҳамда режалаштириш ва ташкил қилишга қўйиладиган талаблар.....	30
2.3. Ички ишлар органлари томонидан жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби.....	38
2.4. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг анъанавий ва замонавий усуллари.....	46
III БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БОШҚА ОРГАНЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	56
3.1. Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорлиги.....	56
3.2. Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда жамоатчилик билан ҳамкорлиги.....	62
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	71

КИРИШ

“Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир”¹.

Ш.М.Мирзиёев

Бугунги кунда жаҳон миқёсида юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимиз менталитетига ёт бўлган ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида ушбу таҳдидларни олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шунингдек, яқин ва узоқ минтақаларда давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган турфа хил иқтисодий, сиёсий инқирозлар, айниқса, жиноятчиликнинг турли хил шакл ва усулларда амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги далилий маълумотлар таҳлили ҳуқуқий таълим-тарбия ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга оид тизимни ислоҳ қилиш, жиноятчиликка қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг замонавий ва янада самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу боис, жазоловчи таъсир чораларини кучайтириш кўмагида жиноятчиликка қарши курашиш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини замонга мос ҳолда шакллантириб бориш, уларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциянинг 24 йиллигига бағишланган йиғилишдаги нуткидан

салбий иллатларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни ҳосил қилиш орқали жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юртимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг олдини олиш, жамиятда ўрнатилган тартибот ва қонун нормаларига оғишмай амал қилувчи шахсни тарбиялаш масалаларининг долзарблиги аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Шунингдек, ички ишлар органи ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг қонун ҳужжатларини тўғри қўллай олиш амалиётини ривожлантириб бориш талаб этилади.

Фуқароларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ички ишлар органларининг фаолиятида учраётган айрим муаммолар ва унга таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиб, бу муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этмасдан туриб, жамият ҳуқуқий маданиятини тўлақонли юксалтиришнинг имкони йўқ.

Жумладан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишлари тизимли ва узвий ташкил этилмаяпти. Жамиятда, оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ҳуқуқий ахборотларни етказишнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас.

Шунингдек, жамиятда манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва амалга оширишда давлат органлари ва бошқа соҳавий хизматларнинг фаол иштироки таъминланмаяпти, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик кўзга ташланмаяпти.

Ҳуқуқий тадбирлар ҳамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларида, шу жумладан, веб-технологиялардан фойдаланиш даражаси етарли эмас.

Мазкур муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий томонлари бўйича шу кунга қадар илмий тадқиқот ишлари ўтказилмаганлиги ички ишлар органларининг мазкур йўналишда инновацион ечимлар ва янгиликлар қила олмаслигига сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи тузилма сифатида ички ишлар органлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, айниқса, ёшларга ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий йўналишдаги бирламчи ахборотларни узлуксиз етказиб бериши ҳамда ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида ушбу илмий-амалий қўлланма ишлаб чиқилди.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси III бўлим, 3-боб, 4.1-банди (*Давлат органлари ва ташкилотларда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиши бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиши*) ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланманинг вазифаси жамиятда ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятида ички ишлар органлари ходимларига назарий ва амалий жиҳатдан зарур билимларни эгаллаш ва ўзлаштиришда амалий-методик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Қўлланмада ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш усуллари ва тартиби, режалаштириш ва ташкил қилиниши ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалаларига, шунингдек ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалий фаолиятида бирламчи манба сифатида хизмат қилади.

Ў БОБ. ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Хуқуқий тарғибот тушунчаси ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиб бориши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Республикамизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини англаш, ушбу жараёнда иштирок этиш фуқароларнинг хуқуқий маданияти юқори бўлишини тақозо этмоқда.

Жамиятнинг ҳар бир вакили ўз хуқуқ ва бурчларини ҳамда масъулиятини чуқур билиши, буни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамоғи лозим. Фуқароларимизнинг хуқуқий фаоллиги, дунёқараши, онгу-тафаккури мамлакат ҳаётига, янгиланишларга мос равишда ўзгариб бориши хуқуқий маданиятни юксалтириш тадбирлари, шу ўринда, амалга оширилаётган хуқуқий тарғиботлар билан чамбарчас боғлиқдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида шунингдек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Маълум бўлмоқдаки, фуқароларнинг хуқуқий маданияти давлат ва жамият тараққиётининг бугунги талабларига тўла жавоб беради, деб бўлмайди.

Илмий адабиётларда жамият хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг туб негизида хуқуқий тарбия масаласи



муҳим ўрин тутгани ҳолда ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тарбиянинг энг муҳим шаклларида бири сифатида таърифланади.

Жумладан, профессор Х.Т.Одилқориев ҳуқуқий тарғиботнинг моҳияти ва механизмини атрофлича тадқиқ этган. Унинг фикрича, ҳуқуқий тарғиботнинг моҳияти фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар (яъни, тарғибот олиб борилаётган аудитория)нинг онгига мақсадли маънавий-ҳуқуқий таъсир ўтказиб, уларга жамиятда умумэътироф этилган ҳуқуқий билимларни етказиш, улар онгида ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, қадриятлар ва ҳуқуқий хулқ-атвор стереотиплари (моделлари)ни қарор топтиришга, ҳуқуқий маърифат тарқатиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган фаолиятдир².

Давлат ҳокимияти фуқароларнинг амалдаги қонунчиликдан тўлақонли хабардор бўлишидан манфаатдор бўлгани ҳолда, мамлакат миқёсида кенг ҳуқуқий ахборот майдонини вужудга келтиради ва бунга шарт-шароит яратади. Табиийки, бу каби ҳуқуқий ахборот майдонини шакллантиришда ҳуқуқий тарғибот тизими, ҳуқуқий билимлар ва ахборот тарқатишнинг кенг инфратузилмаси мавжуд бўлиши талаб этилади.

Юридик табиатига кўра, ҳуқуқий тарғибот кенг омма орасида ҳуқуқий билимларни тарқатиш, давлатнинг ҳуқуқий сиёсати ва ҳуқуқий мафкура асосларини аҳоли ижтимоий онгига сингдириш, унда ҳуқуқий ғоялар, талаблар, қарашлар, қадриятлар ва ҳуқуқий эътиқодни қарор топтириш, шунингдек ижобий ҳуқуқий хулқ-атвор моделини мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир. Ҳуқуқий тарғибот жамият миқёсида ҳуқуқий билимларни тарқатиш, реципиентларга (қабул қилувчи) ҳуқуқий ахборотни мунтазам етказиш учун ташкил этиладиган, мақсадга мувофиқ бошқариладиган жараён дир.

Ушбу жараён қуйидаги элементлардан иборат тарзда кечади:

² Одилқориев Х.Т. Ҳуқуқий тарғибот: моҳияти, тузилиши ва механизми.–Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2013, №2, 42-47-б.

а) ҳуқуқий ахборотни тарқатувчи (етказувчи, тарғиб қилувчи) субъект – *коммуникатор*;

б) ҳуқуқий билимларни, ахборотни қабул қилувчи объект – *коммуникант*;

в) ҳуқуқий ахборот – *коммунике*;

г) ҳуқуқий коммуникациянинг(алоқа) амал қилиш майдони – *ҳуқуқий таъсир ўтказиш вазияти*.

Ҳуқуқий тарғибот субъектлари (давлат органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутасадди ходимлари, ҳуқуқшунос мутахассислар ва олимлар) фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида қонунчиликка оид ва бошқа ҳуқуқий ахборотни аҳоли кенг қатламларига, айниқса ёшларга етказдилар.³

Ҳуқуқий тарғибот талаба ёшлар ва ўқувчиларнинг хулқ-атвори шаклланишида муҳим вазифани ўташи масаласида ёзиб М.Г.Лаварсланова – ҳуқуқий давлатни қуриш жараёнида ушбу масаланинг ўта муаммоли эканлигини таъкидлайди. Унинг эътирофига кўра, ушбу жараёнда ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқараши шаклланишида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашувни юқори даражага кўтариш биринчи галдаги вазифалардан биридир.⁴

Мавжуд танқидий баҳоларга қарамасдан, ҳуқуқий тарғибот қўйилган тарбиявий мақсад ва вазифаларга муайян даражада мос келувчи тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади.⁵

Ҳуқуқий тарбия жараёнида ҳуқуқий тарғибот муҳим рол ўйнайди, ҳуқуқий тарғибот орқали шахснинг ҳуқуқий онига ва хулқ-атворида ижобий

³ Одиқориев Х.Т. Ҳуқуқий тарғибот: моҳияти, тузилиши ва механизми.–Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2013, №2, 42-47-б.

⁴ Лаварсланова М.Г. Правовое воспитание как основа формирования нормативного поведения учащихся в социуме. Автореферат. дисс. на соискание уч. степ. канд. пед. наук. –Махачкала, 2010. – С.4.

⁵ Стреляева В.В. Правовое воспитание в условиях становления правового государства. Автореф. кан.юр.наук. –Москва, 2006.

таъсир этиш ҳамда унда қонунга итоаткорлик туйғусини шакллантириш осон кечади. Ҳуқуқий тарғиботлар давра суҳбатлари, маърузалар ва семинарлар, ҳуқуқий мавзудаги конференциялар орқали амалга оширилиши анъанага айланган. Ҳуқуқий тарғибот жамиятда мавжуд бўлган сиёсий, ахлоқий, иқтисодий ва бошқа тарғибот турларидан бири ҳисобланади.

“Ҳуқуқий тарғибот” тушунчасининг мазмун-моҳияти аниқ изоҳланиши мумкин, аммо ҳуқуқ фанида бу таърифни белгилашда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Умумий маънода *ҳуқуқий тарғибот* – ҳуқуқий давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига ҳуқуқ воситасида таъсир этишининг муҳим жараёнлари ва усулларидан бири бўлиб, у маълум шахслар, давлат органлари ва умуман жамият томонидан очик ҳамда яширин шаклда амалга оширилиши мумкин⁶.

Ижтимоий муносабатлар ривожининг ҳозирги босқичида ҳуқуқий тарғибот алоҳида хусусиятга эга, яъни мазмуни, воситалари ва таъсир усуллари жиҳатидан бошқа таснифлардан сезиларли фарқ қилади. Ҳуқуқий тарғибот воситасида ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсадларига, яъни ёш авлодда етук маънавий қадриятларни шакллантириш, қонунга ҳурмат, жамоат манфаатларининг бузилишига тоқат қилмаслик, жамият олдидаги бурч ва масъулият англанишига эришиш мумкин.

Ҳуқуқий давлатда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун қатъий ва барқарор ҳуқуқий тушунча ва назарияларга таяниш зарур. Шунингдек, таълим олувчиларга, уларнинг ҳуқуқий онгига ва хулқ-атворига таъсир кўрсатишнинг далилларга асосланган воситалари ва усулларидан фойдаланиш керак. Шунини таъкидлаш керакки, ҳуқуқий тарғибот замонавий жамият ҳаётининг ҳал қилувчи бўғинидир, шунинг учун тарғиботчиларнинг аниқ йўналтирилган, ҳар бир шахсни ривожлантириш, тушунтириш ва хабардорликка қаратилган аниқ мақсадларга қаратилган фаолиятини амалга

⁶ Адаева О.В. Правовое воспитание как форма профилактики правонарушений в Республике Мордовия // В сборнике: тенденции и перспективы развития науки XXI века. Сборник статей Международной научно-практической конференции. 2016. С. 148-150.

ошириш зарур. Бу фаолиятнинг самарадорлиги, энг аввало, ҳуқуқий тарғибот воситалари ва усулларида тўғри фойдаланиш ва қўллашдан иборат.

Ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ушбу фаолият бошқа жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ёндашув ва йўналашлардан фарқли равишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, фуқароларда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик туйғусини шакллантиришга, жиноятларга қарши муросасизлик руҳини қарор топтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш ҳар бир жамиятда шакллантирилган бироқ, бу фаолиятнинг самарадорлиги ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган фойдаси бир хил даражада бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, ривожланган Ғарб мамлакатларида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар деярли илмий адабиётларда учрамайди. Чунки, ривожланган Ғарб давлатларида қонун устуворлигининг тўла-тўқис таъминланганлиги, фуқароларнинг қонунга итоаткорлиги ва қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги, жазо санкцияларнинг кескинлиги сабабли фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб борган, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллиги шаклланган. Шу боис, ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги таъминланиши ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлатлар ҳуқуқий институтлари учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўринадики, ҳуқуқий тарғиботлар давлатнинг қонун устуворлиги принципини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм бўлгани ҳолда унинг самарали амалга оширилиши ҳуқуқий демократик давлатдан фуқаролик жамиятига ўтилишига мустаҳкам асос вазифасини ўташи мумкин.

1.2. Ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишга доир норматив- ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар асосида ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғибот фаолияти амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, ички ишлар органларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хронологик кетма-кетликда кўрсатиб ўтилади:

Ўзбекистон Республикасининг *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”*ги Қонуни 4-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларидан бири сифатида “жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш” кўрсатиб ўтилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чоратадбирлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон

бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги **“Ички ишлар органлари тўғрисида”**ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги **“Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ- 2883-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ, вазирлик ўз фаолиятини бевосита ҳамда ички ишлар органлари орқали, шу жумладан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши, вазирликнинг фаолияти очик ва ошкора ҳисобланиши (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), вазирлик давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб бориши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига асосан ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди ва йўналишлар белгилаб олинган:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инobatга олинишини таъминлаш;

ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни

фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш;

хафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаолиятини ўзаро ҳамкорликда ташкил қилишда ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги иштирокини таъминлашга муҳим ўрин тутади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдаги яна бир ҳуқуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги **“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш**

тўғрисида”ги Қонуни тадқиқ этилганда, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги ўзаро ҳамкорлик механизмлари ва ваколатлари келтириб ўтилганлиги маълум бўлди.

Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида қуйидаги ваколатлари мавжуд:

ҳуқуқий ахборотни ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда тарқатиш, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш орқали тарқатиш (*мазкур ваколат ижроси доирасида Ички ишлар вазирлигининг Интернет тармоғида ҳамда ижтимоий тармоқларда 14 та ҳудудий ва 1 та марказий веб-сайтлари ҳамда расмий каналлари фаолият кўрсатмоқда*);

идоравий қабул қилиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни юбориш ва расмий эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юбориши;

марказий девонга келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ўз вақтида етказилишини таъминлаши;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидаги нормаларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган зарур ишларни ташкил этиши;

ўз фаолияти соҳасига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантириши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига кўра ўз фаолияти соҳасига доир ҳуқуқий ахборотни тақдим этиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби ҳақида белгиланган тартибда тушунтиришлар бериши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *“Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”*ги 2021 йил 10 сентябрдаги 565-сон қарори ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқий тарғибот фаолиятида ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги *“2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”*ги ПФ-6181-сон фармонига мувофиқ тасдиқланган *2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг* мақсади мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда ҳамкорлигини кучайтириш, республикада барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишга оид нормалар келтириб ўтилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони;⁷

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2019 йил 22 мартдаги 240-сон қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2019 йил 20 апрелдаги 342-сон қарори⁸.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 13 декбрдаги ПҚ-4551-сон қарори⁹.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 февралдаги 74-сон қарори¹⁰.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги 259-сон қарори¹¹.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4149765>. Мурожаат санаси 30.03.2023 йил

⁸ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/4300837> Мурожаат санаси 30.03.2023 йил

⁹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4647329> Мурожаат санаси 30.03.2023 йил

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5865444>. Мурожаат санаси 30.03.2023 йил

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/6017634>. Мурожаат санаси 30.03.2023 йил

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-10-сон қарори¹².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги 259-сон ҳамда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 февралдаги 74-сон қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга доир тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 18 июндаги 222-сон буйруғи тасдиқланди.

Мазкур буйруқ билан қуйидаги тартиблар ўрнатилган ҳамда вазифалар белгиланган.

ИИВ Ташкилий департамент Юридик таъминлаш бошқармаси томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғида **“*Huquqiy targ‘ibot*”** телеграмм канали фаолияти йўлга қўйилди.

ИИВ Ташкилий департамент Юридик таъминлаш бошқармаси ички ишлар органларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи тузилма этиб белгиланди.

Вазирликнинг соҳавий хизматлари томонидан ички ишлар органлари фаолиятига оид ишлаб чиқилган, шу жумладан соҳа йўналишига оид янги қабул қилинган ҳар бир қонунчилик ҳужжати бўйича улар қабул қилинган кундан бошлаб кўпи билан беш кун ичида, қисқа ва ҳамма учун тушунарли, инфографика ҳамда кўргазмали материал (слайд, аннимация)лар билан

¹² Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/uz/docs/6364837>. Мурожаат санаси 30.03.2023 йил

бойитилган тарғибот материаллари (видеороликлар)ни тайёрлаб, уларни ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмаларининг барча ходимларига ҳамда кенг оммага етказилиши ташкиллаштирилади, тайёрланган материалларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш зарурати, унда белгиланган вазифалар, тартибга солган муносабатлар, кутилаётган натижалар каби маълумотлар акс эттириб борилади.

Шунингдек, аҳолини қийнаб келаётган масалалар таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, маълумотнома, тезис, инфографика ҳамда кўргазмали материаллар ишлаб чиқилиб, Ахборот хизмати бўлинмалари билан ҳамкорликда, мутахассислар томонидан ҳуқуқий тушунтириш берилган, ўртача давомийлиги 3-5 дақиқадан иборат бўлган видеороликлар тайёрланади.

Қонунчилик ҳужжатлари бўйича тайёрланган маълумотнома, тезис ва инфографикаларни “Postda – На посту”, “Qalqon – Щит” нашрлари бирлашган таҳририятига чоп эттириш мақсадида тақдим этиб борилади.

Вазирликнинг соҳавий хизматлари ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари томонидан фаол, жамоатчилик билан ишлаш кўникмаларига эга ходимлардан иборат **“Ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари”** ташкил қилиниб, улар томонидан қонунчилик ҳужжатларининг тарғибот қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

Бунда, **“Ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари”** томонидан:

ҳуқуқий саводхонликни оширишга доир акциялар, флешмоблар ва бошқа оммавий тадбирларнинг ташкил этилиши;

ходимларининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш бўйича ўқитиш ишларининг амалга оширилиши;

маҳаллаларда, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ўртасида манзилли тарғибот тадбирларининг ўтказилиши;

ҳуқуқни тарғиб қилишга доир кўргазмали тарғибот материаллари (флаер, буклет, инфографика) ва ҳуқуқий қўлланмаларнинг тайёрланиши ҳамда тарқатилиши;

ҳуқуқий саводхонликни оширишга, шу жумладан коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилишга доир видеороликларнинг яратилиши;

бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб борилиши доимий равишда ташкиллаштирилади.

“Ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари”ни ташкил этиш бўйича раҳбарият фармойиши билан гуруҳ раҳбари, унинг аъзолари таркиби ҳамда фаолиятининг чора-тадбирлар режаси тасдиқланади.

Ички ишлар органлари Ахборот хизматлари мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги қарори билан тасдиқланган 2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини ёритиш мақсадида “Қилмиш-қидирмиш” номи остида реал воқеаларга асосланган кўрсатувларни тасвирга олиниши таъминланади.

Шунингдек, аҳолини қийнайдиган ҳуқуқий мавзуларда, шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятига оид қабул қилинаётган ҳар бир қонунчилик ҳужжати ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар тарғиботи бўйича видеороликларини суратга олиш ишлари амалга оширилади.

Видеороликларда, қоида тариқасида, ёритилиши назарда тутилган қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиққан соҳавий хизмат ходимининг тушунтиришлари, анимацияли лавҳалар, экран инфографикаларини таъсирчан усуллардан фойдаланган ҳолда акс эттирилади.

Вазирликнинг соҳавий хизматлари томонидан тақдим этилган қонун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари бўйича тайёрланган маълумотнома, тезис ва инфографикаларни “*Постда – На посту*” газеталари ёки “*Қалқон – Шум*” журналида махсус рукн остида чоп этиб борилади.

Ҳар йили 20 июнга қадар Юридик таъминлаш бошқармаси томонидан ички ишлар органи ходимларининг меҳнат ҳуқуқи бўйича билимларини кучайтиришга қаратилган **“Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”**; 20 сентябрга қадар Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти томонидан ички ишлар органи ходимларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича билимларини оширишга қаратилган **“Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”** ҳамда 20 декабрга қадар шартномалар ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича билимларини кучайтиришга қаратилган **“Конституциявий ҳуқуқ ойлиги”** ўтказилади.



“Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ ойлиги” масъул соҳавий хизматлар томонидан олдиндан тасдиқланган ойлик иш режаси асосида ўтказиб борилади.

Иш режасида, ушбу ойликлар доирасида амалга ошириладиган тадбирлар (онлайн ёки офлайн викториналар, интеллектуал ўйинлар, учрашувлар, ташрифлар, кўргазмалар ва бошқалар) белгиланади ҳамда масъул соҳавий хизмат томонидан уларнинг сифатли ўтказилиши бевосита назоратга олинади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида ҳар ойда камида икки мартаба “Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?” мавзусида тарғибот тадбирлари; доимий равишда аҳолининг турли муаммоларини ўрганиш, уларга бепул ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак бериш бериш мақсадида “Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказиб борилади; ҳар ойда, маҳаллалардаги содир этилаётган жиноятларни

олдини олишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриб борилади.

Тергов департаменти томонидан фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб борилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан йўл ҳаракати коидаларига риоя этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган ижтимоий видеороликлар тайёрланади ва тарқатилади¹³.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 20-мақсади (*Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш*) асосида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифалари бажарилади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ҳуқуқий тарғибот тушунчаси ва унинг моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий асосларни санаб беринг.
3. Ички ишлар органларида қандай номдаги ҳуқуқий тарғибот ойликлари ўтказилади.
4. Ички ишлар органларида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари қайси идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Тест саволлари:

1. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” масалалари кўрсатиб ўтилган?

А) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2906-сон Қарори

¹³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2022 йил 16 июндаги “Ички ишлар органларида ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 222-сонли буйруғи

В) Ўзбекистон Республикаси ЖПК, ЖК, МЖтК

С) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК, ЖК, МЖтК

Д) ИИОлари тўғрисида, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида қонун; 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони.

2. Интернет жаҳон ахборот тармоғида “Huquqiy targ‘ibot” телеграмм канали фаолияти қайси тузилма томонидан йўлга қўйилди?

А) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот хизмати

В) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Юридик таъминлаш бошқармаси

С) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Д) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси.

3. Интернет жаҳон ахборот тармоғида “Huquqiy axborot” телеграмм канали фаолияти қайси тузилма томонидан йўлга қўйилди?

А) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот хизмати

В) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Юридик таъминлаш бошқармаси

С) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Д) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси.

4. Ички ишлар органларида қандай номдаги ҳуқуқий тарғибот ойликлари ўтказилади.

А) “Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ ойлиги”

В) “Ҳуқуқий ахборот ойлиги”, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ҳамда “Конституция ойлиги”

С) “Ҳуқуқий ёрдам ойлиги”, “Менинг ҳуқуқим ойлиги” ва ““Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”

Д) “Ҳуқуқий ёрдам ойлиги”, “Менинг ҳуқуқим ойлиги” ва “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”.

5. Ички ишлар органларида ўтказиладиган энг кўп ҳуқуқий тарғиботлар амалга ошириладиган ташкилий тадбирни белгиланг.

А) “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”

- B) “Маънавият ва маърифат соати”
- C) “Конституция куни”
- D) “Давомат”.

II БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий ахборотнинг ўрни

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ушбу йўналишдаги ислохотлар жамият ҳаётига кенг татбиқ этиб келинмоқда.

Хусусан, дастлаб “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш” миллий дастури доирасида жамиятнинг барча соҳаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш, юридик мутахассисларни тайёрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, давлат ва жамият ҳаётини адолат мезонлари асосида бошқариш масалалари ҳал этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бўйича чора тadbирлари тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармонининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнади. Ушбу Фармон билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва нодавлат ташкилотларига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Бироқ, ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилинганда, жамият ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш фақатгина



ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши сифатида кўрилаётганлиги, оила, маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари томонидан аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ишлар тизимли амалга оширилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ўз ўрнига эга бўлган ички ишлар органларига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган.

Хусусан, ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширган ишлари таҳлил қилинганда, ўтган давр мобайнида адлия органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида аҳоли ва ёшлар билан “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”¹⁴ деган концептуал ғоя асосида учрашув, конференция, мунозара ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинаётганлиги маълум бўлди.

Жумладан, ўтказилаётган тарғибот тадбирларида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар давлат томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини бир хилда ва тўғри тушунишга, унинг ижросини қўллаб-қувватлашга, ҳуқуқий нигилизм ҳолатларининг олдини олишга, қонунларга итоаткорлик руҳини шакллантиришга ва асосийси, фуқароларда амалдаги сиёсий ҳокимиятга хайрихоҳлик туйғусини шакллантиришга ёрдам бериши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар берилган.

Ҳуқуқий онги ривожланмаган, ҳуқуқий саводхонлиги даражаси паст бўлган аҳоли қатламининг мавжуд бўлишининг ўзи давлат учун бир муаммо бўлгани ҳолда, ушбу тоифанинг кўпайиб бориши давлат ва жамият хавфсизлигига жиддий хавф туғдиради. Буни яқин ва ўтган тарих давомида

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонидан олинган. URL://lex.uz/docs/4149765.

хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган рангли инқилоблар ҳамда сиёсий тузумнинг ўзгариши билан боғлиқ воқеалар ҳам исботлайди. Бу каби ҳолатларда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақатгина ички ишлар органлари эмас, бутун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис, Президент фармони асосида қабул қилинган Жамоат хавфсизлиги концепцияси¹⁵ ички ишлар органларининг жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги фаолиятини такомиллаштиришга, уларни янада халққа яқинлашишига йўл очиб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан ички ишлар органларида ҳам Матбуот хизмати фаолияти такомиллаштирилди.

Матбуот хизматлари орқали аҳолини қийнаб келаётган ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар бўйича оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий ахборот ва тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилди.

“Жиноят ҳақиқати ва адолати” номи остида туркум кўрсатув ва видеофилмлар намойиш этилиши одат тусига кирди.

Шунингдек, матбуот хизматлари томонидан ОАВларига чиққан соҳага алоқадор хабар ва контентларга нисбатан тезкор расмий муносабат эълон қилиниши унинг профилактик таъсирини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Зеро, “халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-27-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5749291>.

қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга”¹⁶.

Бундан ташқари, соҳа экспертлари фикрига кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларига жалб этилган фуқаролар билан мулоқот жараёнида уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлиги кузатилаётган бўлсада, уларнинг қонунга итоаткорлик руҳи, бурч ва мажбуриятларини тан олиши ва амал қилиши борасида ҳали кўп тарғибот ташвиқот ишлари амалга оширилиши кераклигини кўрсатмоқда.

Бу каби ҳолатларда фуқароларнинг шахсий манфаатларини жамият ва давлат манфаатларидан устун қўйишга интилиши ҳуқуқий демократик давлатдан эркин фуқаролик жамиятига ўтишга тўсик бўлиши мумкин.

Маълумки, фуқаро унинг ишида, кундалик турмушида ва ўз оиласида ҳуқуқий билимларнинг энг кам қисмидан фойдаланади. Бу билимлар, одатда, конституция, меҳнат, оила, фуқаролик, тадбиркорлик ҳуқуқларига оид бўлади. Фуқароларнинг кенг юридик билимларга эга бўлишлари ҳам ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражасини аниқлатмайди, чунки ҳуқуқий маданият нафақат ҳуқуқий билимларни, балки уларни қўллаш олиш ва ҳуқуқий фаолликни намоён қилиш маҳоратини ўзида мужассамлаштиради¹⁷.

Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уни тўла ҳаётга татбиқ қилиш билан белгиланади. Энг пишиқ ва пухта қонун ҳам ижтимоий ҳаётда ўз амалини топмаса, қадрият сифатида аҳамиятсиз бўлиб қолаверади. Буюк француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье шундай деб ёзган эди: “Мен бирор мамлакатга борсам, у ерда яхши қонунлар мавжудлиги билан эмас, балки қонунларга қандай итоат этилаётганлиги билан қизиқаман, чунки яхши қонунлар ҳамма жойда бор”¹⁸.

¹⁶ Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” номли Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан 06.11.2021 йил.

¹⁷ Жалилов А., Қодиров Ж. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси. Тошкент. 2015 йил, - Б.149.

¹⁸ Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, об их отношениях к различным существам. –М.: 1955. – С.164-165.

Демак, жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ички ишлар органлари имкониятларидан фойдаланиш, биринчидан, жамиятда қонун устуворлигини, ҳуқуқий тартиботни таъминлайди; иккинчидан, ҳуқуқни инсонларга яқинлаштириб, қонунга итоаткорлик қонун бузилишига эса мурасизлик руҳини шакллантиради; учинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиради; тўртинчидан, ҳуқуқ(қонун)нинг қадрини оширади; бешинчидан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиради; олтинчидан, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишда самарали восита сифатида хизмат қилади; еттинчидан, ҳуқуққа нигилистик (ишонмаслик, менсимаслик) муносабатнинг олдини олади.

2.2. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг мақсади, вазифалари ҳамда режалаштириш ва ташкил қилишга қўйиладиган талаблар

*Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт*¹⁹.

Ш.М.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ, ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат²⁰.

Ушбу вазифаларда бажариш жараёнида ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан ўзаро мулоқотга киришади, улар ўртасида ҳуқуқий муносабат ўрнатилади. Юқорида келтирилган вазифалар қатъий белгиланган усул ва шаклларда амалга оширилиши натижасида ушбу вазифаларни бажариш жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатларнинг кишилар онига турлича таъсир қилиши ва уларнинг ички ишлар органлари фаолиятига муносабати жамият



¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги 22.01.2018 йил ПФ- 5308-сон Фармони, 13-банди

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 16.09.2016 йил. URL://lex.uz/acts/3027843. Мурожаат санаси 04.12.2022 йил.

аъзоларининг ҳуқуқий маданияти даражасини белгилаш ёхуд баҳолаш имконини беради.



Ички ишлар органлари томонидан фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялашда бевосита уларнинг кундалик хизмат фаолиятида амалга оширадиган, қатъий белгиланган ҳуқуқий меъзонларга асосланган хатти-ҳаракатлари таъсир кўрсатади. Мазкур вазиятларда ички ишлар органлари ходимларининг бу хатти-ҳаракатлари фуқароларда тизимга нисбатан ҳам ижобий, ҳам салбий таассаротни уйғотиши мумкин.

Ички ишлар органлари фаолиятининг ранг-баранглиги, вазифа ва функцияларнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши, бири иккинчисини тўлдириш хусусиятига эга эканлиги шунингдек, айрим фарқли жиҳатлари мавжудлиги фуқаролар билан ҳуқуқий муносабатга киришишда бир-бирини такрорламайдиган усул ва шаклларда амалга оширилишига олиб келсада, бироқ, ушбу муносабатларнинг маълум бир қисми фуқаролар ҳуқуқ-атворида қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаши орқали ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ўзларини ҳимоя қила олиш кўникмаларини шакллантиришлари лозим. Шу жиҳатдан қараганимизда, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш нуқтаи назаридан асосий мақсадларидан бири шахсга унинг турмуш тарзи ва фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий билимларни бериш ва уни қонун ҳамда қонуности ҳужжатларига итоат этиш руҳида тарбиялашдан иборат бўлиб, бу орқали жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва сонини камайитиришга эришиш таъминланади.

Шундай қилиб, *ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг мақсади* бу – жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш,

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг вазифалари эса қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўлида фуқароларни қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳида тарбиялаш, қонунчилик ҳужжатлари талабини, ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиб қолишларини (*виктимнологик профилактика*) олдини олиш, ҳуқуқий иммунитетини шакллантириш, жамиятда жиноятларга нисбатан мурасасизлик туйғусини қарор топтириш, шахсий манфаатларидан жамият манфаатларини устун қўйишга даъват этиш, ҳуқуқий ҳуқ-атворини яхшилаш, ҳуқуқий фаоллигини оширишни ўз ичига олади.

Ички ишлар органларининг ҳар бир соҳавий хизматлари ҳуқуқий тарғиботларни ўзининг хизмат йўналишидан, функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Қуйида айрим соҳавий хизматларнинг ҳуқуқий тарғибот йўналишлари келтириб ўтилади:

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўналишида:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, тезликни оширишнинг салбий оқибатлари бўйича;

транспорт воситасини бошқаришга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

фуқароларнинг, айниқса, болаларнинг йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда оқибатларидан ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида аҳоли ҳамда ҳайдовчилар ўртасида 7 ёшгача бўлган болаларни махсус болалар ўриндиғида, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларни махсус ушлаб турувчи мосламали хавфсизлик камарини таққан ҳолда ташиш, транспорт воситасининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар ҳам хавфсизлик камарларини тақиб олишлари, шунингдек, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда йўлни кесиб ўтишда ва йўл ёқаларидан ёки қатнов

қисмининг четидан ҳаракатланишда, пиёдаларнинг устки кийимида нур қайтарувчи элементлар бўлиши инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим эканлигини кенг тарғиб қилиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Профилактика хизмати йўналишида:

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриш бўйича (*ушбу йўналишида барча соҳавий хизматлар амалга ошириши мумкин*);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назоратни суднинг қарори асосида амалга ошириши;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиши;

маҳалла “бешлиги” фаолияти бўйича;

оилавий, маиший низолар, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини олдини олиш бўйича ва бошқалар.

Пробацья хизмати йўналишида:

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазоларни, шунингдек жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини қонунга мувофиқ ижро этиш бўйича;

Жамоат хавфсизлиги хизмати йўналишида:

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича;

жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, иссиқ изидан фош йўналишида;

оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича;

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини уларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий қамоққа олиш, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси

худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш; (*профилактика ва МваФР хизматлари томонидан ҳам амалга оширилади, ваколатига тааллуқли ҳолатлар бўйича*)

карантин тадбирлари ва кинология хизмати йўналишлари бўйича ва бошқалар.

Тергов хизмати йўналишида:

аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича (энг кўп содир этилаётган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолишларини олдини олиш мақсадида);

қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлиги тамойилини рўёбга чиқариш бўйича;

содир этилаётган жиноятларнинг мазмун-моҳиятини етказиш бўйича ва бошқалар.

Тезкор хизматлар томонидан:

содир этилган ёки аниқланган оғир ва ўта оғир турдаги ёки шов-шувли жиноятлар бўйича;

тинчлик ва хавфсизликка қаратилган жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, унга қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш;

диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш;

диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ва бошқа ҳолатлар бўйича.

Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари:

ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш, хизмат ўташ, ИИВ таълим муассасаларига кириш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, касбий маданият ва хизмат интизомига риоя этиш, ижтимоий ҳимоя ва шу каби масалалар бўйича.

Хавфсиз туризм ва транспорт объектларига хавфсизликни таъминлаш хизмати:

Туризм ва транспорт объектларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, иссиқ изидан фош этиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича;

сайёҳлар ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, ички тартиб қоидаларга риоя этиш, темирйўл ва аэропорт хизматларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларини кўриш ва бошқа йўналишларда.

Жазони ижро этиш хизмати:

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сақланиши, уларга яратиш берилган шароитлар, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганлиги, амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар, жазони ижро этилиши ва озод қилинишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича ва бошқа йўналишларда.

Бундан ташқари, ИИОларининг бошқа тузилма ва хизматлари ҳам ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширади.

ИИБ Ахборот хизматлари юқоридаги кўрсатиб ўтилган соҳавий хизматлар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳолатлар бўйича Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширади.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни ўтказишни режалаштириш ва ташкил қилишга қўйиладиган талаблар

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарғиботларни ўтказишни режалаштириш ва ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шундагина ҳуқуқий тарғиботлар ўз эгасига етиб боришини таъминлашимиз, тарғиботларнинг таъсирчанлигини оширишимиз ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига эришишимиз мумкин бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда режалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий тарғибот ўтказишгача бўлган режалаштириш жараёнида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

<i>Ҳуқуқий тарғибот объекти</i>	яъни тарғибот тадбирида иштирок этувчи шахслар гуруҳи, бир сўз билан айтганда аҳолининг ёши, жинси, қайси таълим ёки касбий фаолият тури билан шуғуллувчи тоифаси.
<i>Ҳуқуқий тарғибот субъекти</i>	яъни тадбирда маърузачи вазифасини ўтовчи шахс, бу ички ишлар органи ходими ёки бошқа мутахассис, эксперт.
<i>Ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган жой</i>	яъни тарғибот тадбири қайси манзилда, шунингдек, аудиторияда бўлиб ўтиши.
<i>Ҳуқуқий тарғибот ўтказиш вақти</i>	яъни тарғибот тадбири куннинг қайси вақтида бўлиб ўтиши.
<i>Ҳуқуқий тарғибот мавзуси</i>	яъни тарғибот тадбири қайси масалаларни қамраб олади, мавзунинг долзарблиги ва аудиторияда қизиқиш уйғотиши.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги кўрсатмаларга амал қилишлари тарғибот тадбирининг натижадорлигини ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади:

➤ Тадбир иштирокчиларининг ёшини, жинсини, таълим олиш ёки касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, иштирок этаётган

фуқароларнинг урф-одат ва қадриятлари, диний эътиқоди, этник ва бошқа жиҳатларининг бир хиллик даражасини инобатга олиши;

➤ Очiq мулоқот жараёнида ҳуқуқий тарғиботнинг асосий мақсадини ҳамда фуқароларнинг тарғиб қилинаётган ҳуқуқий нормаларга бўлган шахсий муносабатини инобатга олиши;

➤ Маърузачининг (тарғибот субъекти) тарғибот мавзуси бўйича зарур маълумотлар билан таъминланиши;

➤ маърузачининг тарғибот қилинаётган мавзу бўйича билим савияси юқори бўлиши, аудитория билан ишлаш кўникмаси, ҳуқуқий тарғибот психологияси ва техникаси бўйича малакаси даражаси ва бошқалардан иборат.

Ҳуқуқий тарғиботни ташкил этишнинг энг аниқ талаби, эҳтимол, ҳуқуқий тарғибот хабарларини олувчиларнинг ёшини ҳисобга олишдир. Қоидага кўра, ходим ташвиқот олиб бориш учун келган фуқаролар гуруҳлари ёш таркиби бўйича бир хил бўлиши керак, чунки бундай ишлар мактабларда, университетларда ёки бошқа таълим муассасаларида шунингдек, кўпинча давлат муассасаларида амалга оширилади.

Ҳуқуқий тарғибот ёки ҳуқуқий ахборотни етказувчи масъул шахсга, яъни маърузачига қўйиладиган талаблар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳолатда, етарли касбий, ҳуқуқий билим ва тажрибага эга бўлмаган, фуқаролар билан ҳуқуқий масалаларда мулоқотга киришишда малака ва кўникмаси суст бўлган ички ишлар органи ходимининг тарғибот тадбирига юборилиши йиғилган аудиторияда бир томондан ички ишлар тизимига нисбатан салбий фикр уйғонишига олиб келса, бир томонидан кўриладиган масала юзасидан нотўғри фикр-мулоҳаза, тушунча ва дунёқараш шаклланишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш тартибидаги яна бир асосий жиҳатлардан бири бу *тарғиботнинг жойи, вақти ва йиғиладиган аҳолининг тоифаси, кўриладиган мавзу* бўйича аввалдан эълон қилинишидир. Тарғибот куни ва вақти бўйича тўсатдан хабар берилиши, аввалдан

режалаштирилмаслиги, бунга нисбатан ҳам тарғибот ўтказувчи шахс, ҳам тарғибот жойи масъулларининг пухта тайёргарлик кўра олмаслигига олиб келади.

Шу боис, тарғибот ўтказиладиган жойи, вақти, аудитория тоифаси, тарғибот мавзуси аввалдан эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган жой кенг ва ёритилган ҳолда бўлиши, мултимедиа воситалари билан таъминланиши, об-ҳавога қараб нормал ҳароратда бўлиши, аудитория тингловчи ва маърузачига ҳалақит берувчи турли хил омиллар (шовқин, санитария-гигиена талаблари) дан йироқ бўлиши лозим.

Ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили ҳамда мазкур йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари ҳуқуқий тарғиботларни ўтказиш бўйича буюртма бериш тартибини амалиётга жорий қилишни тақозо этмоқда.

Хусусан, маълум бир корхона, муассаса ёки ташкилотнинг маъмурияти фаолиятини олиб бораётган ишчи-хизматчилари, талаба-ўқувчиларини қийнаб келаётган ижтимоий, ҳуқуқий масалалардаги долзарб муаммолар бўйича ички ишлар органларига мурожаат қилиши асносида ички ишлар органлари раҳбарияти томонидан қизиқтираётган буюртма мавзуси бўйича тарғиботчи ажратилиши таъминланади. Бу билан ҳар икки томон, яъни буюртмачи тарғибот жойи ва қатнашадиган тоифаларни таъминлаб бериш, тарғиботчи эса кўриладиган мавзу бўйича пухта тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлади.

2.3. Ички ишлар органлари томонидан жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби

Мамлакатимизда содир этилаётган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2021 йил 10 сентябрдаги 565-сон қарори қабул қилинган.

Қарорга мувофиқ, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилди.

Унга кўра қуйидаги тартиб белгиланди:

а) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси:

содир этилган жиноят ҳолати бўйича — жиноят содир этилган ҳудуддаги маҳаллада жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч кун ичида;

жиноят содир этган шахс бўйича — унинг яшаш жойидаги маҳаллада суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми ички ишлар органларига келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида ўтказилади;

б) *оғир ва ўта оғир жиноятлар* сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар *муҳокамаси* Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги, *унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар* — туман (шаҳар) даражасидаги секторлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жамоатчилик вакиллари иштирокида амалга оширилади;

в) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси жараёнида содир этилган жиноят ҳолати

бўйича жиноят иши мазмуни, жиноятга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этишга, шунингдек, шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини муҳокама қилишга ҳамда улар муҳокамада иштирок этишига *йўл қўйилмайди*.

Шунингдек, мазкур қарор асосида Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида *Низом* тасдиқланди.

Низомда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида кенг қўлланиладиган қуйидаги асосий тушунчалар маъно-мазмуни кўрсатиб ўтилди:

жиноят содир этган шахс — жиноят содир этганлиги учун суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан айбдор деб топилган шахс;

жиноятнинг сабаблари — жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, рухий ва моддий омиллар мажмуи;

жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари — келгусида жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, тарбиявий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар — жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлар.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг *асосий мақсади* жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишдан иборат.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг *асосий вазифалари* қуйидагилардан иборат:

хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар (кейинги ўринларда — масъул ташкилотлар) ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш;

жиноятдан жабрланувчини, ғайриижтимоий хулқ-атворли, жиноят содир этишга мойил бўлган, жиноят содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш чораларини кучайтириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, жиноятларга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;

фуқароларнинг жиноятдан жабрланиш хавфини камайтириш (виктимнологик профилактика);

содир этилган жиноятлар бўйича жамоатчиликда холис фикрни шакллантириш.



Қуйидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинишига ***йўл қўйилмайди***:

алоҳида муҳим ёки тоифаланган объектлар (ҳарбий қисм, жазони ижро этиш муассасаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бинолари ва бошқалар) ҳудудида содир этилган жиноятлар;

ошкор этилиши давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган жиноятлар;

чет давлат фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар;

таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятлари;

жинсий эркинликка қарши жиноятлар;

фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятлар;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, шунингдек, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш жиноятлари;

жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлашни тақозо этувчи жиноят ишлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича *ишчи орган* ҳисобланади.

Ишчи орган ҳар куни қуйидаги ахборотларни жамлаб боради:

суриштирув ва дастлабки тергов органларининг содир этилган жиноятлар тўғрисидаги бирламчи ахборотлари;

судлар томонидан тақдим этилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотлар.

Сектор раҳбарлари:

сектор ҳудудидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар юзасидан муҳокама қилиш бўйича масъул ҳисобланади;

жиноят муҳокамаларини шахсан ўтказди ва муҳокама йиғилишларига раислик қилади;

жиноят муҳокамаларини ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди;

жиноят муҳокамаларида масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокини таъминлайди;

жиноят бўйича асоссиз шов-шувларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўради.

Низомга мувофиқ, жиноятларнинг тури, соҳаси ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари муҳокамада иштирок этиши шарт:

хотин-қизлар томонидан ёки уларга нисбатан, шунингдек, одоб-ахлоқ ва оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар бўйича — *Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси;*

ишсиз, бандлиги таъминланмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — *Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;*

руҳий ҳолати бузилган, наркологик касалликларга чалинган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;*

вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги;*

ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаётган, маъмурий назоратда турган, илгари судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;*

жамоат жойларида содир этилган жиноятлар бўйича — *Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги;*

транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги юзасидан жиноятлар бўйича — *ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари;*

бевосита давлат органлари ва ташкилотлар ҳудудида содир этилган жиноятлар бўйича — *давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари.*

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси жараёнида:

содир этилган жиноят ҳолати бўйича — жиноят иши мазмуни, шунингдек, жиноятга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этишга, шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини муҳокама қилишга ҳамда улар муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилмайди;

жиноят содир этган шахс бўйича — суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс (озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар бундан мустасно) ҳамда унинг ота-онаси, ота-онаси ўрнини босувчи шахслар ёки бошқа яқин қариндошларининг *иштироки таъминланади*.

Жиноят муҳокамаларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашиши мумкин.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасида ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика (катта) инспекторлари, тегишли бўлинмаларнинг ходимлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг иштироки *таъминланиши шарт*.

Муҳокамада содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишда масъул ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади ҳамда келгусида шу каби ҳолатлар олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Муҳокама яқуни бўйича Низомда келтирилган шаклга мувофиқ йиғилиш баёни расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади. *(қаранг 2-иловада)*

Йиғилиш баёнида қуйидагилар кўрсатилади:

баён тузилган сана ва жой;

қатнашувчилар ва таклиф этилганлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими);

иштирок этганлар сони;

кун тартиби;

содир этилган жиноятнинг мазмуни, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс тўғрисидаги маълумотлар, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлили;

вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакилларининг муҳокама қилинаётган жиноят ва жиноят содир этган шахслар бўйича фикр ва мулоҳазалари;

муҳокама қилинган жиноят келиб чиқишининг барвақт олдини олиш чораларини кўрмаган масъул ташкилотлар раҳбарлари ёки ходимларига интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклифлар;

муҳокама қилинган жиноятнинг келгусида олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари.

Йиғилиш баёнида белгиланган чора-тадбирлар ижроси устидан назорат бевосита тегишли ҳудуд даражасидаги сектор раҳбарлари томонидан таъминланади.

Муҳокама жараёнлари *фотосуратга ёки видеотасвирга олиниши* мумкин. Фотосурат ёки видеотасвир йиғилиш баёни нусхалари билан бирга ишчи органга ҳамда тегишли ҳокимлик ташкилий-назорат гуруҳига электрон тарзда юборилади.

Муҳокама якунида суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахснинг фотосурати у томондан содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумот билан бирга маҳалла фуқаролар йиғинидаги барчага кўринадиган эълонлар тахтасига бир ойлик муддатга жойлаштирилади.

Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс суднинг оқлов ҳукмини тақдим қилган тақдирда, унинг фотосурати ва содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумот профилактика (катта) инспектори томонидан маҳалла фуқаролар йиғинидаги *эълонлар тахтасидан дарҳол олиб ташланади*, шунингдек, ушбу ҳолат бўйича аввал ўтказилган муҳокама юзасидан уч кун

муддатда *раiddия* тайёрланиб, эълонлар тахтасига бир ойлик муддатга жойлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

Ўтказилган муҳокамалар тўғрисидаги ахборотлар асосида туман (шаҳар) ҳокимлари, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига нисбатан ўз ваколати доирасида чоралар кўради ёхуд таъсир чораларини қўллаш юзасидан ваколатли давлат органларига асослантилган таклифлар киритади;

жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларини жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш борасида таъсирчан чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатади.

Туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган ишлар натижаларининг таҳлили асосида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари мажлисларида тегишли ҳудудда содир этилган жиноятлар, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш билан бирга кўрилаётган чора-тадбирларнинг аҳволи *танқидий муҳокама қилинади*.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг муҳокамаси жараёни ва натижалари Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва медиаресурслар орқали ёритиб борилади, кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари жалб қилинади.

2.4. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш анъанавий ва замонавий усуллари

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни таъкидлашга имкон берадики, ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш шакллари ва усуллари тўғрисидаги масалалар илмий адабиётларда мавжуд эмас ҳамда илмий тадқиқотлар олиб борилмаган²¹.

Айрим ҳолларда муаллифлар ташвиқот усуллари ва воситаларининг хусусиятларига мурожаат қилишган, бироқ бундай тадқиқотлар ё умумий маънода кенг²² ёки маълум бир аниқ ихтисослик характерида тадқиқ этилганлиги билан изоҳланади²³.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Е.А.Титова фикрича, ҳуқуқий онги юқори даражада ривожланган фуқаролар билан ҳуқуқий тарғибот ишлари, қоида тариқасида, муаммосиз амалга оширилади. Улар ҳуқуқий маълумотларни осонгина ўзлаштирадидилар ва хатти-ҳаракатларни тўғрилайдилар. Аҳолининг юқори ижтимоий мавқега эга гуруҳлари билан ишлаш шериклик ва тенглик асосида амалга оширилади. Бу тамойил ижтимоий-иқтисодий аҳволи паст одамларга ҳам тегишли. Бу ҳуқуқий тарғиботни муваффақиятли олиб боришнинг муҳим шартидир. Агар тингловчиларнинг кўпчилигини маълумот даражаси паст фуқаролар ташкил этса, тарғиботчи тингловчиларни ўзининг устунлигини кўрсатмасдан “аудиторияни кўтариши” керак, бир томондан

²¹ Титова Е.А. Формы и методы правовой пропаганды в деятельности органов внутренних дел // Вестник восточно-сибирского института МВД России. – 2019. 2/89. – С.9.

²² Адаева О.В., Шимкин Е.О. Понятие и сущность правовой пропаганды как формы правового воспитания // Научная дискуссия: вопросы юриспруденции. – 2016. – № 7(46). – С. 12–15. // Бондарев А.С. Правовая пропаганда и обучение – формы правового воспитания: понятие и средства воздействия // Вестник Пермского университета. – 2008. – Вып. 1(1). – С. 4–16.

²³ Агафонова Н.Н., Брылева Е.А. Интернет как средство правового воспитания и правовой пропаганды // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. – 2011. – № 3. – С. 70–72.

Деятельность Госавтоинспекции по пропаганде безопасности дорожного движения / под общ. ред. В.А. Кудина. – СПб.: Санкт-Петербург. университет МВД России, 2012. – 160 с.

“мавҳум” атамалардан, мураккаб нутқий бурилишлардан воз кечиш, мимика-жестлардан тийилиш лозим²⁴.

Демак, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш жараёнида турли психологик таъсир усулларини қўллаган ҳолда, ички ишлар ходимлари ўз мақсадларига эришишда уларнинг мазмуни ва таъсирчанлик даражасига асосланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунос олима Е. Титованинг фикрича, аудиторияга психологик таъсир этилиши полициячи (тарғиботчи)нинг ўзи кириб келишидан бошланади. Ходим ташқи жозибадорликдан, фуқароларга (ташқи ва ички) ҳар қандай ўхшашликдан фаол фойдаланиши керак, чунки одамлар ўзларига ўхшашларга жуда мойил. Маъсул ходимга мурожаат қилиш алоҳида психологик услуб сифатида қаралиши мумкин. Ходимнинг ваколати орқали фуқароларнинг ўзига бўлган муносабати ва фуқароларга хайрихоҳ муносабатда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо агар бу содир бўлмаган бўлса, унда томошабинлар учун обрўли одам билан муносабатларнинг яқинлигини кўрсатиш мумкин. Нутқда қиёслаш, ташбех, ўхшатиш, риторик саволлар, ундовлар кабилардан фойдаланиш **психологик таъсир қилиш усули** ҳам ҳисобланади, чунки улар нутқни сезиларли даражада бойитиш, ноқулай маълумотларни алмаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу техникадан фойдаланиш нутқни янада бой, ифодали ва ишончли қилади²⁵.

Шунингдек, *ишонтириш ва таклиф қилиш* ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг юқори самарали усуллари ҳисобланади.

Ишонтириш – бу одамларнинг онгига таъсир қилиш усули, уларнинг танқидий идрокига қаратилган. Эътиқод инсон руҳиятининг интеллектуал ва когнитив соҳасига қаратилган. Унинг моҳияти, мантиқий далиллар ёрдамида, авваламбор, одамнинг маълум хулосалари билан ички келишувга эришиш,

²⁴ Титова Е.А. Формы и методы правовой пропаганды в деятельности органов внутренних дел// Вестник восточно-сибирского института МВД России. – 2019. 2/89. – С.16.

²⁵ Ўша асар – С.16.

сўнгра шу асосда қабул қилувчи мақсадга мос келадиган янги муносабатларни (ёки эскиларини), ўзиникидек идрок этиш, шакллантириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Россиялик тадқиқотчи олима Е.Титованинг фикрича, *ишонтиришнинг асосий тамойиллари*: такрорлаш тамойили; изчиллик принципи; бирламчи маълумотларга устунлик бериш принципи; ахборот манбасига ишончни таъминлаш тамойили.

Ҳуқуқий тарғибот жараёнида *таклиф* – бу ахборотни танқидий бўлмаган (ва кўпинча онгсиз) идрок этишга асосланган оммавий онгга психологик таъсир қилиш усули. Таклиф жараёни ахборотни, кайфиятни, хис-туйғуларни, хатти-ҳаракатлар моделларини идрок этиш ва тақлид механизмларига асосланади.

Юқоридаги усулларни биргаликда қўллаш ташвиқотни амалга оширишда режалаштирилган натижага эришишга имкон беради²⁶.

Кўриниб турибдики, фуқаролар онгида қонуний йўл-йўриқ ва ҳуқ-атвор муносабатларини шакллантиришда ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишдаги шакл ва усулларнинг мураккаблиги, етарли ва тизимлилиги энг муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимларининг муаммоларидан бири таклиф этилаётган кўплаб усуллардан энг муваффақиятли шакл ва усулларни танлаб олишдир. Бундай танлов учун асосий кўрсатмалар қуйидагилар бўлиши керак:

- тингловчиларнинг ёши, фаолиятининг касбий хусусияти, бутун гуруҳнинг бир хиллик даражаси;
- ҳуқуқий онг, гуруҳ қадриятлари ва эътиқодларининг ривожланиш даражаси;
- ҳуқуқий тарғиботнинг мақсади;

²⁶ Титова Е.А. Формы и методы правовой пропаганды в деятельности органов внутренних дел// Вестник восточно-сибирского института МВД России. – 2019. 2/89. – С.16.

- фуқароларнинг тарғиб қилинаётган ҳуқуқий нормаларга муносабати;
- ходимни ташвиқотни ташкил этиш учун материаллар билан таъминлаш;
- ходимнинг ҳуқуқий тарғибот психологияси ва техникаси бўйича малакаси даражаси
- кенг аудиторияни қамраб олиши ва таъсирчанлиги.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари учун асосий кўрсатмалар:



Юқорида санаб ўтилган ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғиботларни ўтказиш билан боғлиқ айрим масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги 259-сон ҳамда “Жамиятда

ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 февралдаги 74-сон қарорларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги 72-сон буйруғи (2022 йил 18 июнга қадар амалда бўлган)да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 18 июндаги 222-сонли буйруғи билан тартибга солинган бўлсада, ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг тартиби ва методикаси белгилаб берилмаган.

Ижтимоий тармоқ имкониятларининг ҳуқуқий ахборотларни етказишдаги ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганлигига қарамасдан сайёр, яъни жойларга чиққан ҳолда ўтказилаётган ҳуқуқий тарғиботларнинг ҳамда вазирлик ва идораларнинг сайёр қабуллари ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Тан олиш керакки, вилоят марказлари, шаҳарларда телевидения, Интернет тармоғи орқали ҳуқуқий ахборот олиш имконияти юқори бўлиши мумкин, бироқ, ҳуқуқий тарғибот орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар профилактикаси бўйича юзма-юз давра суҳбатининг ўтказилиши фуқароларда яхши таассурот қолдириши, фойдалироқ бўлиши илмий исботланган.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг замонавий усуллари

Кейинги назарий-ҳуқуқий ҳамда амалий ечимини кутаётган масала бу ҳуқуқий тарғибот ёки ҳуқуқий ахборотни етказишнинг анъанавий усуллари билан бир қаторда замонавий инновацион усулларида фойдаланиш талаб этилади.

Ижтимоий тармоқларнинг аҳоли орасида кенг оммалашиб бораётганлиги, ёшлар орасида блогер, вайнер, тик-токер, влогер (видеоблогер), пранкер каби ҳаётни виртуал тарзда ёритиб берувчи касб эгаларининг яратаётган ижодий маҳсулотларига (*фото, видео ва бошқалар*) қизиқишнинг ортиб бораётганлиги, кузатувчилар сонининг кўплиги эндиликда ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда, қонунга итоаткорлик, жиноятларга мурасасизлик кайфиятини шакллантириш, ҳуқуқбузарликларни олидини олишда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо қилмоқда.



Жумладан, блогер (влогер)лар билан ҳамкорликда аҳолини қийнаб келаётган ҳуқуқий муаммолар бўйича, энг кўп содир этилаётган жиноятлар жабрланувчисига айланиб қолмаслик бўйича веб-сайт ёки ижтимоий тармоқлар орқали маслаҳатлар бериб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Вайнерлар билан ҳамкорликда давомийлиги 1 дақиқагача бўлган, асосан ёшларни ватанпарварликка, жиноятларга мурасасизлик кайфиятини ҳосил қилувчи, ҳажвий тарздаги видеороликларни яратиш зарур.

Пранкерлар билан ҳамкорликда дастлаб кўпол ҳазил билан бошлансада, якунида тарбияга, ҳуқуқий саводхонликни оширишга хизмат қилувчи пранкларни суратга олиш таклиф этилади.

Шу билан бир қаторда, журналистлар, айниқса, ҳуқуқий йўналишдаги журналистлар билан ҳамкорликда веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда жамият ҳаётида энг кўп учраётган жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, ҳуқуқий соҳадаги чигал масалалар бўйича видеохостинг ва бошқа шаклдаги тарғиботларни амалга ошириш лозим бўлади.

Бундан ташқари, янгича ёндашув сифатида қонунчилик ҳужжатларини, ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш тартибини анимация ва

инфографикалардан кенг фойдаланган ҳолда шарҳлаш тарғиботларни амалга оширишнинг замонавий шаклларида бири ҳисобланади.

Шунингдек, ҳуқуқий тарғиботларни сунъий интеллект технологияларини жалб этган ҳолда амалга ошириш бугунги кундаги тарғиботларни амалга оширишнинг самарали усулларида бирига айланиши мумкин.

Хусусан, аҳоли энг кўп фойдаланадиган ва дуч келадиган ҳуқуқий муносабатлар бўйича QR-код орқали кирувчи видео ва такдимот шаклидаги ахборот-маълумот файлларини ёки мобил иловаларни яратиш таклиф этилади.

Яна бир масала, савол туғилади? Нима учун давлат ва нодавлат телеканалларида китоблар, кутубхоналар реклама қилинмайди? Китоблар ёки кутубхоналарнинг реклама қилинишининг ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишдаги қандай ўрни ва аҳамияти бор? Китоблар ёки кутубхоналар реклама қилинишга муҳтожми?

Албатта, бу саволларга ҳар кимда ҳар хил жавоблар бўлиши табиий ҳол. Бироқ, шу нарса аниқки, китобхон инсондан ёмонлик чиқмайди, ёмон ниятда бўлмайди, қонунга ҳурмат, жиноятларга нисбатан мурасасизлик, умумий қилиб айтганда бу каби инсонларда жиноят ёки ҳуқуқбузарлик қилишга хоҳиш ҳам, қасд ва мақсад ҳам бўлмайди. Китобхон инсонда тинч ва хотиржам яшаш, жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиш кайфияти ва масъулияти намоён бўлади. Мутолаага қизиқиш сусайиши, ўз навбатида, аҳоли саводхонлиги даражасига салбий таъсир кўрсатиб, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига катта зарар етказиши мумкин. Чунки, аҳолининг умумий саводхонлиги таркибида шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ётади.

Шу боис, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботлар ва ҳуқуқий ахборотларни етказишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган, ватанпарварлик ва қонунга итоаткорлик ғоялари бўлган китобларни мутолаа қилишни тавсия этиш,

ёшларни китобга, кутубхоналарга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади (қаранг 3-иловада китоблар рўйхати).

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида аҳоли ва ёшлар билан қандай концептуал ғоя асосида учрашув, конференция, мунозара ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

2. Ҳуқуқий тарғибот ўтказишгача бўлган режалаштириш жараёнида қайси омилларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

3. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат.

4. Ҳуқуқий тарғибот объекти, субъекти ҳақида сўзлаб беринг.

5. Ҳуқуқий тарғибот ўтказувчи шахсга қўйиладиган талабларни санаб беринг.

6. Ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган жой қандай талабларга жавоб бериши лозим.

7. Ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган жой қандай талабларга жавоб бериши лозим.

8. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботлар қандай усулларда амалга оширилади.

9. Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари учун асосий кўрсатмаларни санаб беринг.

Тест саволлари

1. Ҳуқуққа нигилизм нима?

А) қонунларга ишонмаслик ёки қонунларни менсимаслик

В) қонун нормаларига ашаддий ишониш

С) ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборилиши

Д) қонунларни четлаб ўтиш

2. Ҳуқуқий тарғибот субъекти ким?

А) Ҳуқуқий тарғибот тадбирида маърузачи вазифасини ўтовчи шахс, бу ички ишлар органи ходими ёки бошқа мутахассис, эксперт.

В) тарғибот тадбирида кимлар иштирок этувчи шахслар гуруҳи, бир сўз билан айтганда аҳолининг ёши, жинси, қайси таълим ёки касбий фаолият тури билан шуғулланиши.

С) тарғиботни ташкил қилувчи шахс

Д) тарғиботни назорат қилувчи шахс

3. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг асосий мақсади бу –

А) жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишдан иборат

В) жиноятларни иссиқ изидан фoш этиш

С) ҳуқуқий саводхонликни ошириш

Д) қонунлар устуворлиги таъминлаш

4. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасида кимларнинг иштироки таъминланиши шарт.

А) ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика (катта) инспекторлари, тегишли бўлинмаларнинг ходимлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг иштироки

В) жиноятларни иссиқ изидан фoш этиш

С) ҳуқуқий саводхонликни ошириш

Д) қонунлар устуворлиги таъминлаш

5. Қуйидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди:

А) алоҳида муҳим ёки тоифаланган объектлар (ҳарбий қисм, жазони ижро этиш муассасаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бинолари ва бошқалар) ҳудудида содир этилган жиноятлар;

В) ошкор этилиши давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган жиноятлар; жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлашни тақозо этувчи жиноят ишлари.

С) чет давлат фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар; таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятлари; жинсий эркинликка қарши жиноятлар; фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятлар; ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, шунингдек, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкӣ манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш жиноятлари;

Д) Барча жавоблар тўғри.

III БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БОШҚА ОРГАНЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорлиги

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг олдини олиш, жамиятда ўрнатилган тартибот ва қонун нормаларига оғишмай амал қилувчи шахсни тарбиялаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатдан қараганда, ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи тизим сифатида ички ишлар органлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги масаласи бугунги кунда устувор аҳамиятга эга. Айниқса, ёшларга ижтимоӣ, сиёсий, ҳуқуқий йўналишдаги бирламчи ахборотларни узлуксиз етказиб


бориш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш соҳа олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидан ташқари давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳуқуқий ахборотни етказиш мақсадида ҳам ўзаро ҳамкорлик қилади.

Юқорида муҳокама қилинаётган қонуннинг 13-моддасига кўра, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари қуйидагилардан иборат:

- ❖ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш;
- ❖ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш;
- ❖ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш;
- ❖ ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;
- ❖ жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш.

**Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари
қуйидагилардан иборат:**



норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш;
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш;
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш;
ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;
жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш.

Бу усулларнинг ҳар бири ички ишлар органлари фаолиятида қўлланилади ва доимий ҳисоботи юритилади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўналишида ўзаро ҳамкорлик қилишнинг бир йўли сифатида

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий тарғибот йўли билан тарқатиш барча давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи ёки ишлаб чиқувчи органлар ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддатда ҳуқуқий тарғибот бўйича чора-тадбирлар режасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунавий тадбирлар режаси асосида ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда куйидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилади:

- прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- адлия органлари;
- давлат божхона хизмати органлари;
- давлат солиқ хизмати органлари;
- меҳнат органлари;
- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари.

Хусусан, прокуратура органлари қонун устуворлиги, қонунларнинг бир хилда ижро этилаётганлиги юзасидан, давлат хавфсизлик хизмати органлари коррупция, терроризм ва диний экстремизм йўналишларида, миллий гвардия томонидан жамоат хавфсизлиги йўналишида, коррупцияга қарши кураш агентлиги коррупция билан боғлиқ жиноятлар йўналишида, адлия органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари юзасидан, божхона органлари ташқи савдо, бож ва тадбиркорлик фаолияти йўналишида, солиқ органлари солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича, меҳнат органлари бандлик ва ишсизлик муаммолари бўйича, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ёшлар таълим-тарбиясига оид масалаларда, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари аҳоли саломатлиги, хавfli касалликлар ва тан жароҳатлари, суицид ҳолатлари бўйича, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ов қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, экологик назорат ва экологик хавф масалаларида, ёшлар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ёшлар сиёсати, ёшлар жиноятчилиги, бандлиги, ҳуқуқий фаоллиги ва шу каби масалаларда ички ишлар органлари билан ҳуқуқий тарғибот тадбирларида фаол ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Ички ишлар органлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга оширади.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича маърифат ва таълим тизимини такомиллаштиришга ёрдам кўрсатиб, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга йўналтирилган миллий дастурлар ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқади; инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлайди ва тақдим қилади; инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлат органлари ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали

механизмларини ва тартибини шакллантиради; жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқий тарғиботлар амалга оширади.

Ички ишлар органлари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 669-II-сон “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни 20²-моддаси (Вакилнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолияти)га мувофиқ, Вакил фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда нормалари тўғрисидаги билими ва хабардорлигини ошириш чора-тадбирларини кўради.

Вакил инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситалари, усуллари ва механизмларига ўқитишга қаратилган маърифий ва таълим дастурларини, илмий-амалий тадбирлар ҳамда семинарларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Ҳудудий ички ишлар органлари ўз ташаббуси билан мазкур давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботларни ҳамкорликда ташкил этиш бўйича қўшма қарор ва йўл ҳаритаси ишлаб чиқиши, масъул ва ижрочиларни тасдиқлаши ва белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиши ўтказилаётган ҳуқуқий тарғиботларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Демак, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ички ишлар органларининг давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг зарурий шарти ўзаро

ахборот алмашишнинг очик ва эркинлигига, фаолиятнинг шаффоф ташкил этилганлиги билан изоҳланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши лозим бўлади:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни – ҳафтанинг ҳар пайшанба куни тадбири самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотларининг вакилларида иборат ишчи гуруҳлари фаолиятини қайта ташкил қилиш ва аниқ вазифа ва функцияларни белгилаб бериш;

жамият ҳаётини тартибга солувчи, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи ҳар бир қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини республика – ҳудудий бошқармалар (вилоят даражасида) – ҳудудий бўлимлар (туман (шаҳар) даражасида) – тизим (соҳа, тармоқ) ташкилотлари “вертикал занжири” асосида ижрочиларга ўз вақтида юборилиши, ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилишини ҳамда ушбу ҳужжатларни тегишли соҳа ва тармоқда тўғри ҳамда бир хилда қўлланилишини таъминлаш;

ички ишлар органларининг фуқаролар билан доимий муносабатга киришувчи соҳавий хизматлари ҳамда жамоатчилик фаоллари ўртасида аҳолини қийнаб келаётган ҳуқуқий муаммолар бўйича учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиш;

узоқ йиллик малака ва тажрибага эга ички ишлар органлари ходимларининг таълим муассасалари, корхона, ташкилотларга муайян ҳуқуқий мавзудаги мулоқотларини уюштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, яъни бунда ички ишлар органларининг тергов, тезкор фаолият, профилактика ва шу каби йўналишларда хизмат қилиб келаётган, узоқ йиллик тажриба ва ҳуқуқий малакага эга бўлган ходимларини тасдиқланган режа ва тематикага асосан қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари бўйича ҳуқуқий ахборот етказиш мақсадида маҳалла, корхона, муассаса ва ташкилотларга ташрифини ташкил қилиш ва унинг амалга ошириш механизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

3.2. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда жамоатчилик билан ҳамкорлиги

Яқин кўшни ва узоқ мамлакатларда содир бўлаётган ички норозиликлар ва ижтимоий-сиёсий инқирозлар таҳлили аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатмоқда. Шунга кўра, аҳоли билан бевосита ишлайдиган ички ишлар органларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятига оид масалаларни, айниқса, ҳуқуқий тарғибот тадбирларини жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда ташкил этилиши ўзининг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда жамоат ташкилотлари фаолиятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, одам савдосига, гиёҳвандликка қарши курашиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий мослашувини ташкил қилиш каби устувор вазифалар қамраб олинган. Ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамлар кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланиб бораётгани эътиборлидир.

Жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда маҳалла институти ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи субъектлар орасида энг асосий бўғин ҳисобланади.

Хусусан, кейинги йилларда юртимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик

қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли қўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва қўмакка мухтож оилалар бўйича мутлақо янги — «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимлари ҳаётга татбиқ этилди²⁷.

Маҳаллада ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси каби институтлар ўз ваколати доирасида ўзига юлатилган вазифа ва функцияларни ижроси жараёнида ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика инспекторига қўмаклашиши мумкин.

Маҳалла Ёшлар етакчисига “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига асосан қуйидаги вазифалар юклатилган:

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва қўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 28.04.2021 йилдаги 250-сон қарори. Манба: URL:lex.uz/docs/5398681#5400043

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Маҳаллада ёшлар етакчиси ушбу вазифаларни ички ишлар органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий тарғиботлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши чора-тадбирларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони 8-бандига асосан қуйидагилар маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва анъанавий оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади;

«Аёллар маслаҳат кенгашлари» билан яқин ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга кўмаклашиш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли ушбу вазифаларни ички ишлар органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий тарғиботлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши чора-тадбирларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони 2-бандига мувофиқ, қуйидагилар ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган:

маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;

маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг хунарамандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш;

маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;

маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва

иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда кўмаклашиш;

маҳалладаги бўш бино ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш.

Маҳалла ҳоким ёрдамчиси ушбу вазифаларни ички ишлар органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий тарғиботлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши тегишли чора-тадбирларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Айнан профилактика инспекторининг маҳалладаги ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функцияларининг белгилаб қўйилиши тегишли ҳудуддаги аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий ва бошқа турдаги муаммоларни яшаш жойининг ўзига ҳал этилишига ва ечим топилишига замин яратиб беради.

Ҳамкорликдаги фаолиятнинг яна бир асосий субъектларидан бири бу оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари – жамиятни демократлаштириш ва фуқаролар эркинлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Демократик ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, янги дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шу билан бирга, уларнинг онги, дунёқарашини ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот

воситалари муҳим ўрин тутади. Сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, боғлаб турувчи, улар орасидаги шаффофликни таъминлаб берувчи бирдан-бир восита ҳам оммавий ахборот воситаларидар. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бугунги кунда амалга ошираётган ташаббускорлик дастурлари аҳолини ҳуқуқий муҳофаза қилишга, уларга бепул юридик маслаҳатлар беришга, ҳуқуқий маорифга, қўллаб-қувватлашга муҳтож шахсларни (ногиронлар, болаларни) ҳимоя қилишга, уларга аниқ моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилгандир.

Юқоридаги келтирилган фикр-мулоҳалардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда жамоатчилик институтлари билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари белгилаб олинди:

- оилавий-маиший зўравонликларни олдини олиш;
- хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- муқаддам судланганларни ижтимоий мослаштириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг аҳволи тўғрисида доимий хабардор бўлиш;
- қонун устуворлиги ва жиноятда жазо муқаррарлиги принципи доирасидаги брифинг, учрашув ва кўрсатувлар ташкил қилиш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилиши;
- шахсий манфаатлардан жамият манфаатлари устун қўйилиши, фуқаровий бурч ва мажбуриятларини тушунтирилиши;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилиши;
- ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини

мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

➤ мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб борилиши.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари санаб беринг.

2. Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб беринг.

3. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда қайси жамоатчилик институтлари билан ҳамкорлик қилади.

4. Маҳалла “бешлиги”нинг ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишдаги иштироки ва ўрни ҳақида сўзлаб беринг.

Тест саволлари

1. Ҳуқуқий ахборотни етказиш усуллари белгиланг?

А) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш; ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;

В) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш; жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш;

С) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш;

Д) барча жавоблар тўғри.

2. Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда қайси давлат органлари билан ҳамкорлик қилади?

А) Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура;

В) ДХХ, Мудофаа вазирлиги, Божхона қўмитаси;

- C) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Солиқ қўмитаси, ССВ;
- D) барча жавоблар тўғри.

2. Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда қайси нодавлат ноижорат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади?

- A) Жамоатчилик палатаси;
- B) касаба уюшмалари;
- C) ОАВ;
- D) барча жавоблар тўғри.

3. Маҳалла “бешлиги”нинг тўлиқ таркибини белгиланг.

- A) маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори;
- B) маҳалла раиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ўринбосари;
- C) маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, психолог, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори;
- D) маҳалла раиси, нуронийлар фаоли, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори.

4. Ички ишлар органларининг телеграм ижтимоий тармоғидаги ҳуқуқий ахборотларни етказишга мўлжалланган каналини белгиланг.

- A) Ҳуқуқий тарғибот;
- B) Ҳуқуқий ахборот;
- C) Ҳуқуқий мадад;
- D) Ҳуқуқий ёрдам.

5. Ички ишлар органларининг қайси соҳавий хизматларининг Интернет ва ижтимоий тармоқларда саҳифа (канал)лари мавжуд.

- A) тергов, жамоат хавфсизлиги, ЙХХ, ХП хизмати, киберхавфсизлик;
- B) жиноят-қидурув, жазони ижро этиш, тергов;
- C) ЙХХ, Пробация, молия;
- D) конвой, тергов, ташкилий бўлинмалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида” Конституциявий Қонуни - Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида» 466-И-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, (2010).

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни (2014).

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 16.09.2016 йил. URL://lex.uz/acts/3027843 .

6. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида» Қонуни (2017).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 2883- сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонидан олинган. URL://lex.uz/docs/4149765. Мурожаат санаси 20.01.2023 йил.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2019 йил 22 мартдаги 240-сон қарори;

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2019 йил 20 апрелдаги 342-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ-4551-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 февралдаги 74-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги 259-сон қарори .

15. 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони.

16. 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-10-сон қарори .

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 – 2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги 259-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-27-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5749291>.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 28.04.2021 йилдаги 250-сон қарори. Манба: URL:lex.uz/docs/5398681#5400043

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2022 йил 16 июндаги “Ички ишлар органларида ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 222-сонли буйруғи.

21. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” номли Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан 06.11.2021 йил.

22. Жалилов А., Қодиров Ж. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси. Тошкент. 2015 йил, - Б.149.

23. Одилқориев Х.Т. Ҳуқуқий тарғибот: моҳияти, тузилиши ва механизми.–Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2013, №2, 42-47-б.

24. Лаварсланова М.Г. Правовое воспитание как основа формирования нормативного поведения учащихся в социуме. Автореферат. дисс. на соискание уч. степ. канд. пед. наук. –Махачкала, 2010. – С.4.

25. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, об их отношениях к различным существам. –М.: 1955. – С.164-165.

26. Титова Е.А. Формы и методы правовой пропаганды в деятельности органов внутренних дел// Вестник восточно-сибирского института МВД России. – 2019. 2/89. – С.9.

27. Адаева О.В., Шимкин Е.О. Понятие и сущность правовой пропаганды как формы правового воспитания // Научная дискуссия: вопросы юриспруденции. – 2016. – № 7(46). – С. 12–15. // Бондарев А.С. Правовая пропаганда и обучение – формы правового воспитания: понятие и средства воздействия // Вестник Пермского университета. – 2008. – Вып. 1(1). – С. 4–16.

28. Агафонова Н.Н., Брылева Е.А. Интернет как средство правового воспитания и правовой пропаганды // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. – 2011. – № 3. – С. 70–72.

29. www.lex.uz

30. www.iiv.uz

31. www.uzhakersw.uz

ИЛОВА

1-илова:

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш методикаси ўқув қўлланмасидан кутилаётган натижалар:

шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш, шахсий эҳтиёжлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатнинг сақланишини таъминлаш;

вояга етмаганлар ва ёшлар онгига илк ҳуқуқий тушунчаларни ва одоб-ахлоқ қоидаларини тизимли сингдириб бориш, ҳуқуқий таълим-тарбияни узвий ва тизимли олиб боришга эришиш;

ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини яратиш ва жорий этиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

мансабдор шахслар ва фуқароларда қонунга итоаткорлик ва ҳурмат ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини таъминлаш.

2-илова:

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

____ -сектор раҳбари, _____

(имзо)(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

_____ вилояти (шаҳри), _____ тумани, «_____» маҳалла
фуқаролари йиғинида ўтказилган йиғилишнинг

____ -сонли баёни

20__ йил «__» _____

_____ тумани (шаҳри)

Раислик қилувчи: ____ -сектор раҳбари,

Қатнашдилар: _____

_____ , _____
нафар маҳалла фуқаролари

КУН ТАРТИБИ:

«_____» маҳалласида 20__ йил «__» _____ куни содир этилган
_____ жиноятининг сабаблари ва бунга имкон берган
шарт-шароитларнинг муҳокамаси

Сектор раҳбари ахбороти _____

Жиноятнинг батафсил мазмуни _____

Жиноят содир этган ва жабрланган шахслар тўғрисидаги
маълумотлар _____

Ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унга имкон берган шарт-шароитлар
таҳлили _____

Вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик
вакилларининг билдирган фикр ва тушунтиришлари _____

Муҳокама қилинган жиноят келиб чиқишининг барвақт олдини олиш чораларини
кўрмаган масъул ташкилотлар раҳбарлари ёки ходимларига интизомий таъсир чоралари
кўллаш бўйича таклифлар _____.

Кун тартибига қўйилган масалалар танқидий муҳокама қилиниб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Муҳокама қилинган жиноятнинг келгусида олдини олишга қаратилган аниқ чора-
тадбирлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари:

1. _____ ;
2. _____ ;
3. _____ ;

Йиғилиш котиби:

«_____» МФЙ раиси

имзо мухр ф.и.ш. _____

ГЛОССАРИЙ

Ҳуқуқий тарғибот – шахс, гуруҳ ёки жамият (яъни, тарғибот олиб борилаётган аудитория)нинг онгига мақсадли маънавий-ҳуқуқий таъсир ўтказишнинг бир усули бўлиб, уларга жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларни, умумэтироф этилган ҳуқуқий билимларни етказиш, улар онгида ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, қадриятлар ва ҳуқуқий хулқ-атвор ҳамда ҳуқуқий фаолликни қарор топтиришга, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм ҳолатларига барҳам беришга қаратилган, ҳуқуқий маърифат тарқатиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқий маданият – шахсларнинг ҳуқуқ ҳақидаги фикрлари, уларни жамиятдаги ўрнатилган ҳуқуқий тизим ва қонунлар мазмун-моҳиятини тушуниши ҳамда уларга амал қилиш даражасига айтилади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқий маданият жамият ёки шахснинг умумий маданиятининг бир қисми бўлиб, ҳуқуқни тушунишда ўзига хос интеллектуал жараённи ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга юридик фанларни ўрганиш объекти ҳам ҳисобланади.

Ҳуқуқий онг – ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Ҳуқуқий нигилизм – ҳуқуқий онгнинг салбий, бузилган қисми бўлиб, ҳуқуққа нисбатан менсимаслик, унинг талабларига риоя этмаслик, уни кескин танқид қилиш ва инкор этишга қаратилган мафкуравий ва психологик ҳолат.

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқ имкониятларини ўринсиз ва асоссиз ошириб юбориш бўлиб, ҳуқуқнинг зиммасига қодир бўлмаган вазифаларни жамият ривожини учун юклаш.

Ҳуқуқий ахборот – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси

Конституциявий суди қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчилик қўлланилиши масалалари бўйича қарорларининг матнлари, шунингдек суд амалиётини умумлаштириш материаллари.

Блог – бу кичик веб-саҳифа ёки бирор сайтда хронологик тарзда давом этувчи мақола, аудио, видео роликдир.

Блогер сўзи инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, "блог – яъни веб сайт ёки саҳифа юритувчиси" маъносини англатади.

Блогерлар қуйидаги йўналишларда асосан ишлашади:

- бугунги кунга нисбат салбий фикрларни билдириш (мавжуд сиёйс, иқтисодий, ижтимоий вазиятга нисбатан танқидий фикрлар);

- фойдали маслаҳатлар бериш (овқат пишириш, дурадгорлик, кийим тикиш, бирор бир муаммо ҳал қилиш бўйича маслаҳатлар);

- илм-фанга оид бўлган мақолалар (муסיқа асбоблари, компьютер саводхонлиги, математика, физика, кимё бўйича қизиқарли амалиётлар ва экспериментлар);

- бирор вазиятга нисбатан экспертлар фиклари (яқин орада юзага келган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, юридик вазият) ва бошқалар.

Влогер – влогерлар видео шаклда контент ишловчи блогерлар ҳисобланади. Агар блогер – асосан маълум бир веб-сайт ёки бирор бир ижтимоий тармоқ (Фасебоок, Твиттер ва б.)да матнли ахборот ёзиш билан шуғулланса, Влогер - видеоконтент тайёрлайди ва уни ўзига қулай барча ижтимоий тармоқларда тарқатади.

Вайн – бу, давомийлиги ўртача 1 дақиқагача бўлган, асосан ёшлар учун мўлжалланган қисқа роликдир. Вайнларнинг мавзуси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин, энг кўп учровчи вайнлар асосан ҳажвий йўналишда суратга олинади.

Вайнерлар – бу, вайн шаклдаги қисқа роликларни ишловчи блогерлар ҳисобланади.

Пранкер – бу, пранк билан яъни оддий одамларни мазах қилиш, қўпол ҳазил қилиш билан шуғулланувчи ҳазилкаш. Пранкерлар оддий ҳазилкашлардан фарқли равишда одамларни нафсониятига тегувчи, жаҳллари чикарувчи, ноқулай аҳволга солувчи ҳазилларни уюштиради.

Вайнчи ва Пранкерчининг бир-биридан фарқи – вайнерлар олдидан келишилган одамлар билан маълум бир сценарий асосида ташкил этилган, саҳналаштирилган вазиятни суратга оладилар. Пранкчилар эса мутлақо бегона болган одамлар билан кутилмаган вақтда ва унга молжалланмаган жойда томоша уюштиришади ва уни яширин камерага ёзиб боради.

Дунё бўйича энг кўп тарқалган пранкерлар – бу, телефон пранкерларидир. Улар жамоат жойларидаги телефонлардан ёки мутлақо бегона одамларнинг қўл телефонларидан бошқа бир бегона одамларга қўнғироқ қилиб билан қўпол ҳазил қилишади²⁸.

²⁸ <https://uzhackersw.uz/blog/blogger-vlogger-vayner-va-pranker-kim.html> -Blogger, Vlogger, Vayner va Pranker kim?

РАДЖАБОВ БУНЁД БАХОДИР ЎҒЛИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ
ТАРҒИБОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

Ўқув қўлланма

Техник муҳаррир: Н.З. Тасимов

Босишга рухсат этилди _____ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табағи _____.
Адади _____ нусха. Буюртма № _____. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.